Ватан севмак иймондандур!

Ўзбекистон овози

Газетага 1918 йил 21 июнда «Иштирокиюн» номи билан асос солинган

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газети • Нархи 3 сўм.

1992 йил 11 сентябрь, жума № 179 (21.278)

• ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАҲОН •

ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ



Америка Қўшма Штатларининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Генри Лин Кларк мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовга ишонч ёрлиқларини топширди.

Жаноб Генри Л. Кларк ўз вазифасини бажаришга киришар экан, дипломатия алоқалари ўрнатилиши иккала давлат ўртасидаги муносабатларни ривожлантириш ҳамда ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйишда муҳим қадам бўлади, деб таъкидлади.

Ислом Каримов Генри Л. Кларк жанобларига бугунги кунда Ўзбекистонда АҚШ билан ҳар томонлама ҳамкорлик қилиш учун барча шароитлар, аввало, сиёсий барқарорлик мавжудлиги ҳақида гапириб берди.

Ишонч ёрлиқларини топшириш маросимида Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари Ш. Зиёмов ҳозир бўлди.

(ЎзА).

ИШОНЧ ЁРЛИҒИ ТОПШИРИЛИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН

АҚШНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАГИ ФАВҚУЛОДДА ВА МУХТОР ЭЛЧИСИ

ГЕНРИ ЛИИ КЛАРК

1941 йил 15 ноябрда туғилган, олий маълумотли. 1962 йилда Дартмус коллежини тугаллаган. 1967 йили Гарвард университетининг Жон Кеннеди номидаги давлат хизматчилари мактабини битирган.

1962—1965 йилларда АҚШ армиясида хизмат қилган. Олмон, румин, рус тилларини билади. Ҳукумат мукофотларига сазовор бўлган. Давлат департаменти хорижий хизмат раҳбариятн таркибига киради.

1967—1969 йилларда АҚШнинг Мюньхендаги (ГФР) Бош консуллигида кичик хизматчи.

1970—1972 йилларда — АҚШнинг Лагосдаги (Нигерия) элчихонаси савдо-иқтисодий бўлимининг ходими.

1972—1974 йилларда — Давлат департаментининг разведка ва тадқиқот бюросининг сиёсий таҳлилчиси.

1974—1976 йилларда — АҚШнинг Бухарестдаги (Руминия) элчихонасининг савдо бўйича атташеси.

1976—1978 йилларда — Давлат департаментининг Шарқ ва Ғарб билан савдо бўлими савдо сиёсати шўъбасининг мудири.

1978—1980 йилларда — Давлат департаменти Шарқ ва Ғарб билан савдо бўлими директорининг ўринбосари.

1980—1981 йилларда — Давлат департаменти сиёсий-иқтисодий алоқалар бўйича Оврупо минтақаси бўлими савдо сиёсати шўъбасининг мудири.

1982—1985 йилларда — АҚШнинг Москвадаги (СССР) элчихонасининг иқтисодий масалалар бўйича маслаҳатчиси.

1985—1989 йилларда — Бухарестдаги (Руминия) Америка дипломатия ваколатхонаси бошлиғининг ўринбосари.

1989—1992 йилларда — АҚШнинг Тель-Авивдаги (Исроил) элчихонасининг иқтисодий масалалар бўйича маслаҳатчиси.

1992 йил май ойидан бошлаб АҚШнинг Ўзбекистон Республикасидаги элчиси этиб тайинланган.

БУГУНГИ СОНДА:

• 1-бет:

● Хонадонларимизда тинчлик, осойишталик ва бирлик қарор топиши учун барчамиз баҳамжиҳат бўлайлик!

• 2-бет:

● Ўзбек халқининг атоқли ва ардоқли фарзанди Нуриддин Муҳиддинов хонадонида файзли дастурхон ёзилди. Уни қутлаб келаётганларнинг чеки йўқ

• 3-бет:

● «Мустақиллик йўли — истиқбол йўли» байрам йўқламаси: сўз — Наманган, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларига

• 4-бет:

● Мухбиримиз бонг уради: «Қимга фойда-ю, кимга зарар?»

ИСТИҚЛОЛ ДОРИЛФУНУНИ

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» рисоласини газетамизда эълон қилишни давом эттирмоқдамиз.

(Иккинчи ва учинчи бетларга қаранг).

ТИНЧЛИК, ОСОЙИШТАЛИК ҚАДРИГА ЕТАЙЛИК!



Ислом КАРИМОВ:

ЎЗБЕКИСТОН УЧУН, БУГУНГИ ВА КЕЛАЖАК АВЛОД УЧУН ЭНГ КАТТА БОЙЛИК—ЭЛНИНГ ТИНЧЛИГИ ВА ОСОЙИШТАЛИГИ, ИНШООЛЛО, ТИНЧЛИК, АҲИЛЛИК ВА МУРОСА ЙЎЛИ БИЛАН ЎЗ МАҚСАДИМИЗГА ЭРИШАМИЗ.

● ЮРТИНГ ОМОН — ЎЗИНГ ОМОН

● БИР КУН ЖАНЖАЛ БЎЛГАН ЖОЙДА ҚИРҚ КУН БАРАКА ҚУТАРИЛАДИ

● МУХОЛИФЛАРНИНГ ЧИРАНИШИ БЕҲУДА

● ЖИНОЯТЧИЛИККА ЗАРБА БЕРМОҚ — ҲАММАНИНГ ИШИ

Бу кўҳна ва ҳамиша навқирон ўзбек тупроғида жуда кўп байрамлар, тантаналар бўлган. Лекин уларнинг ҳеч бири республикамиз Мустақиллик майдонида тантанавор нишонланган ҳурлик байрамига тенг келолмайди. 1 сентябрь мустақил Ўзбекистон солномасига олтин ҳарфлар билан битилиб қолди. Шу куни Ўзбекистон халқлари илк бор мустақиллик байрамини зўр ифтихор ва ғурур ҳислари билан нишонлашди. Бу тантаналар бутун республика бўйлаб таралди: ўлкамизнинг барча шаҳар ва қишлоқларигача, ҳар бир хонадонгача, узоқ яйловларда қўй-қўзи, йилқи боқиб юрган чўпон-чўлиқларнинг ўтовларигача бориб етди. Халқимизнинг бу катта қувончига жаҳон афкор оммаси ҳайрихоҳ бўлганлигини Президентимиз номига келган самимий қутловлардан билиш мумкин. Ахир Ўзбекистон Республикасини жаҳонининг 120 дан ортиқ давлатлари мустақил давлат сифатида тан олди. Бу оламшумул тарихий воқеалар республикамиз фуқароларининг дилида ғоят зўр қувонч туйғуларини уйғотади, албатта. Эътироф этмаслик мумкин бўлмаган ишлардан бири бу— республикамиз мустақиллигининг бир йиллиги муносабати билан жойларда байрам тантаналарини уюшқоқлик билан тайёрлаш ва ўтказиш бўлди. Бу байрам вилоятлар, шаҳарлар, ноҳияларда ҳам катта бир қувонч ва ташкилотчилик руҳида ўтказилди. Тошкентнинг Мустақиллик майдонида ўтказилган байрам тантаналари республикамиз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллатга мансуб кишиларга бирдек қувонч бағишлади, тинчлик, осойишталик барқарорлигини ва унинг меваснин яна бир бор ҳаммага намоён этди.

АХИР айрим собиқ иттифоқдош республикаларда ҳақиқий уруш бўлаётган, инсон қони тўкилаётган, аёллар, болалар ва кексаларнинг ноласи бутун фалакни ларзага келтираётган вазиятда шундай ҳавас қилса арзигулик тинчликни, бирдамликни намойиш қилувчи байрам ўтказиш, уни ҳақиқий халқ қувончи даражасига етказиш, ҳамма байрам иштирокчиларида шундай тинч, осойишта мамлакат фуқаролари эканлигидан фахрланиш туйғусини уйғотишнинг ўзи бўлмайди.

Ҳозирги шароитда собиқ Совет Иттифоқи республикаларида бўлаётган ғайри қонуний хатти-ҳаракатлар, ҳар хил сиёсий қарашларга мансуб гуруҳлар ўртасида келиб чиқаётган тўқнашувлар у ерларда жиноятчиликнинг кескин кўпайиб кетишига олиб келмоқда. Бу ҳолат ўз навбатида бизнинг республикамиздаги барқарор вазиятга ҳам салбий таъсирини ўтказиши мумкин.

Биз бошқа давлатлар ҳукуматлари олиб бораётган сиёсатни у ёки бу йўсинда баҳолаш фикридан йироқмиз. Лекин халқ билган, бутун жаҳон жамоатчилиги диқат эътиборида бўлган воқеаларга тўхталмаслик мумкин эмас. Айтайлик, Озарбайжон ва Арманистон Республикалари ўртасида йиллаб давом этаётган росмана уруш, унинг натижасида юзлаб бегуноҳ кишиларнинг қурбон бўлаётганлиги ёки эндиликда Грузия Республикасида юз бераётган воқеаларнинг бутун бир Кавказ орти минтақасидаги халқларни ғоят ташвишга солаётганлиги эътиборга олинмаслиги мумкинми? Айниқса, Тожикистон Республикасида бўлаётган воқеалар бизларни ҳам қаттиқ ташвишлантирмоқда. Чунки бу икки республика бир-бири билан қондош, жондош, чегарадош, урф-одати, дини бир. У республикада мустақилликнинг дастлабки босқичидан қонунларнинг устиворлиги принципидан чекиниш, тартибсизлик, аҳоли орасида ғайриқонуний қуролланган гуруҳлар шаклланишига йўл қўйилиши — халқни эмас, ўз манфаатларини кўзлайдиган жиноий гуруҳларга айни муддао бўлди, десак муболаға бўлмайди.

Республикамизда вазиятни кескинлаштириш, фуқароларнинг қонуний ҳуқуқларини поймол қилиш ҳолларига қатъий зарба берилмоқда. Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг мустақиллигимизнинг бир йиллиги муносабати билан «Ўзбекистон халқига қутлови»да келтирилган «...ҳокимиятни ифво-лўписа, зўравонлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўйган, жумҳуриятимизнинг ҳудудий яхлитлиги ва хавфсизлигига қарши чиқадиган, миллий ва диний адоват уруғини сепадиган, конституциявий тузумга, халқнинг маънавий негизларига тажовуз қиладиган кучлар ва ҳаракатларни қонундан ташқари деб ҳисоблаймиз ва уларнинг фаолиятини қонун талабига мослаш зарур деб ўйлаймиз», деган фикрини эътироф этиш жоиздир.

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ И. А. Каримов куни кеча бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Конституция комиссиясининг мажлисида ва журналистлар билан бўлган учрашувларда, шунингдек, БМТ Бош котиби Бутрос Гали жанобларига йўллаган мактубида қўшни Тожикистон Республикасида бўлаётган воқеаларга катта аҳамият берди. Президентимиз бу мажлис ва учрашувда Тожикистон Республикасидаги воқеалар хусусида Ўзбекистон раҳбариятининг фикрини баён қилди. Шунингдек, мажлисда Тожикистонда содир бўлаётган воқеалардан йиғилиш аҳлини хабардор қилди. Ҳақиқатан ҳам минтақада сиёсий вазият кундан кун кескин тус олмоқда, кўп одамларнинг ҳаёти хавф остида қолмоқда. Тўртдан бир қисмидан кўпроғи ўзбеклардан иборат қўшни республика халқининг тақдири бизни бефарқ қолдиролмайди.

(Давоми иккинчи бетда).

ТОЖИКИСТОН ДАРДИ—БУТУН ЎРТА ОСИЁНИНГ ДАРДИ ВА ТАШВИШИ

ДУШАНБЕ ШАҲРИ

ТОЖИКИСТОН ОЛИЙ КЕНГАШИ РАИСИ АКБАРШО ИСКАНДАРОВГА ЖАҲОН ТОЖИКЛАРИ ВАКИЛЛАРИНИНГ АНЖУМАНИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

Азиз қардош ва қондош тожик бирадарлар!

Жаҳон тожикларининг мўътабар анжуманини самимий муборакбод этаман.

Ислом фалсафасига, урф-одатларимиз, маънавий қадриятларимиз бирлигига асосланган ўзбек ва тожик халқларининг якдиллиги наслларимизнинг қон-қонига сингиб кетган ҳақиқатдир.

Бизнинг давлатларимиз эндиликда мустақиллик қадамини қўймоқда. Аммо истиқлол ҳеч қачон осонлик билан қўлга киритилмаган. Бу йўл мураккаб тўсиқлардан иборатдир. Бугунги машаққатли кунларни енгиб ўтиш учун қадимий тожик миллатининг асрлар давомида шаклланган буюк ақл-заковати, метин иродаси, сабр-тоқати етарли эканига ҳеч ким шубҳа қилмайди.

Ўтган авлод-аждодларимиз, Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоий каби буюк алломаларимиз руҳлари бизни шайтоний васвасалардан, баъзи ёвуз ниятларни кўзлаган ташқи сиёсий гуруҳлар фитнасидан асрасин, шаҳарларимизнинг харобаларга айланишидан, оналар ва гўдакларнинг ўкинчли кўз ёшлари бевақт тўкилишидан сақласин. Ўзбек халқи учун доимо жондош ва елкадош бўлган тожик бирадарларимиз хонадонларида тезроқ тинчлик, осойишталик ва бирлик қарор топишини Олло-таолодан сўраб қоламан.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1992 йил 9 сентябрь.

Ислом КАРИМОВ:

«ТОЖИКИСТОНГА КИМ МАДАД БЕРАДИ?»

РАТА-ТАССнинг хабар беришича, Ўзбекистон Президенти куни кеча Франциянинг нуфузли «Либерасьон» газетаси мухбири билан суҳбатда Тожикистондаги вазиятни, жуда хавфли, деб баҳолади. «Қўшни республикадаги воқеаларни портлай деб турган бомбага қиёслаш мумкин, — деди Президент, — агар у ишга тушса, шундай можаролар юзага келадики, юзта Қорабоққа татийдиган бўлади».

«Афғонистондаги вазият Тожикистонга таъсир ўтказмасдан қолмаяпти, — деб таъкидлади И. Каримов. — Бугунги кунда бу икки давлат ўртасида чегара деган нарсанинг ўзи йўқ. Тожикистонга ҳар куни қурол-яроғ ва наша ташиб келиняпти. Айрим маълумотларга қараганда, у ерда самолётларни уриб туширувчи «Стингер» ракеталари пайдо бўлган.

МДҲ давлатлари ўртасида имзоланган ялпи хавфсизлик ҳақидаги шартнома хусусида тўхталиб, Ўзбекистон Президенти Россияни бу минтақадаги барқарорлик ва хавфсизлик кафили деб ҳисоблашни маълум қилди.

Ўзбекистонда яшовчи русларга бўлган муносабат масаласида Ислом Каримов «Уларнинг хавфсизлигига ҳеч ким таҳлика солаётгани йўқ, аксинча, миллати, ирқи, динидан қатъи назар, барчанинг қонуний ҳуқуқи тўла таъминланган», деб айтди.

Ўзбекистон—ХМТ аъзоси

Яқинда Женевада Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) Бош директори М. Хансенн жанобларидан табрикнома олинди. Унда Ўзбекистон Республикаси ХМТнинг аъзоси бўлганлиги айтилади.

Ўзбекистон Республикаси мазкур муҳим халқаро ташкилотга аъзо бўлиб кирганлиги республикамизга меҳнаткашларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилашга қаратилган халқаро сиёсат ва дастурларда тўла ҳуқуқ билан қатнашиш, Ўзбекистон Республикасининг меҳнат қонунларини халқаро ҳуқуқ меъёрларига мувофиқлаштиришда мутахассислардан ёрдам олиш имконини беради.

ХМТ Женева ва Туриндаги махсус марказларда иш кучларини бошқариш ва режалаштириш, иш билан таъминлаш сиёсати, хавфсизлик техникаси ва меҳнат гигиенаси соҳасидаги мутахассисларни тайёрлатиб ва ўқитиб олишда республикамизга кўмаклашиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги.

• МУХБИРИМИЗ БОНГ УРАДИ •

САБЗАВОТ УВОЛ БЎЛЯПТИ

Биз Нукус районидаги давлат ва жамоа хўжаликларида бўлиб, сабзавот тайёрлаш ва топширишнинг аҳволи билан танишдик. Айни пайтда деҳқонлар етилиб пишган сабзавот ва қовунтарвузларни пешма-пеш йиғиб-териб олмоқдалар. Бироқ, тайёр маҳсулотни топшириш қийин кечяпти. Кўпчилик бригадаларда 350—650 яшик помидор туриб қоляпти.

— Ҳар куни 300 яшик помидор топширилмай қолиб кетяпти. Чунки уни қаерга олиб боришни билмай ҳайронмиз, — деди «Қатағар» жамоа хўжалиги бригада бошлиғи Асанбой Абиббуллаев.

— Э, нимасини айтасиз, суҳбатимизга қўшилди К. Дуйсенбаев. — Агар аҳвол шу тарзда давом этадиган бўлса, ҳар куни 550—600 яшик помидор нобуд бўлиши ҳеч гапмас.

«Нукус», Жданов номли ва бошқа давлат, жамоа хўжаликдаги аҳвол ҳам бундан яхши эмас. Бригадаларда, оилавий, ижара звеноларнинг далаларида сабзавот ирриб-чиримоқда. Уларни тайёрлаш ва топширишни ташкил этишда Қорақалпоғистон республикаси «Плодоовощвиниром» концерни раиси С. Керимбоев суст-кашлик кўрсатмоқда.

Нукус консерва заводи дарвозаси олдида юзлаб трактор-тележкалар навбат кутиб ётибди. Ҳайдовчилар бу ерда уч кунлаб қолиб кетишаётганидан жиғибийрон бўлишаётир. Наҳотки, хўжалик билан завод ўртасида аниқ график ташкил қилиш имконияти бўлмаса? Ким олдин борса топширади, ким кейин келса, икки-уч кунлаб қолиб кетаверади.

— Кунига атиги 100 тонна помидорни қабул қилиш ва қайта ишлаб чиқариш қувватига эгамиз, — дейди консерва заводи бош инженери Ф. Жуманазаров. — Бироқ, нормадагидан зиёд 350—380 тонна помидор қабул қилиб олямиз. Сабзавот қабул қилишни эрталабки соат 9 дан тунги соат 12 гача ташкил қилганмиз. Заводимизнинг қуввати далада етиштирилаётган сабзавотнинг миқдоридан 4—5 марта кам, ахир. Заводни реконструкция қилиш керакли ҳақида ҳар йили айтилишига қарамай тегишли раҳбариятлар консерва заводи ишларига фақат ёз ойларидагина эътибор беришади. Мавсум тугагач заводнинг аҳволидан ҳеч ким хабар олмайди.

Бу борада Қорақалпоғистон республикаси Вазирлар Кенгаши барча муаммоларни зудлик билан ҳал этиши керак!

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ФИҒОН

Ҳали мотамларнинг чиқмай эсимдан,
Шод бўлган кунингни бир кўрмасимдан,
Бу тонг қон исларн келди насимдан,
Бул насим кўксимни тилмасми бир кун!

Бешикларнинг узра учган ўқларни
Отганлар очларми ва ё тўқларми!
Мен фарёд айларам йиртиб кўкларни:
Жаҳолат, разолат ўлмасми бир кун!

Бир томчи ёмғирни берса гар осмон
Ярми сенга тушар, ярми мен томон,
Хавотир ичрадир бутун Туркистон:
Аждодий шафқатлар қолмасми бир кун!

Ким сенга кўрнимас лашкар йўллади!
Бошингда дунёнинг бори миннати,
Рудекий миллати, Жомий миллати,
Бағринг гумонларга тўлмасми бир кун!

Узбек билан тожик—биз бир дарахтмиз,
Сенга болта тушса, биз ҳам карахтмиз,
Асли бир китобдан тўзган варақмиз,
Наслар жам бўлиб билмасми бир кун!

Бизни бир замонлар бўлиб кетганлар,
Хамёни олтинга тўлиб кетганлар,
Ярим юрагимиз юлиб кетганлар,
Қолган ярмисин ҳам юлмасми бир кун!

Дунёда кучлар бор мудҳиш, бедаво,
Сенга тинчинигни ҳам кўрмагай раво,
Қўрқаман: бу ғаво, бу офат-бало
Менинг ҳам уйимга келмасми бир кун!

Узнинг инсоф бергин Худойи карим!
Жигар жигарининг юлса жигарин,
Кимлар излаб қолди эски эгарин,
Олам ҳолимизга кулмасми бир кун!

Сирожиддин САЙИД.

И С Т И Қ Л О Л

— пулнинг қадрсизланишига қарши амалий чора-тадбирлар кўриш, аҳолининг ижтимоий ночор табақаларини давлат йўли билан ҳимоя қилишнинг ишончли тизимини яратиш, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, фан, маданият ва санъат ходимларининг моддий аҳволини мустаҳкамлаш.

Тўртинчидан, Ўзбекистон иқтисодиётининг бир томонлама хом ашёвий йўналишига қатъий барҳам бериш республика ички сиёсатининг энг муҳим стратегияси ҳисобланади. Фақат хом ашё етиштирувчи ва сотувчи ўлка сурункали ночорликка гирифтор бўлади. Асосий вазифа — халқ хўжалигини чуқур таркибий қайта қуришни амалга оширишдир. Барча ресурсларимизни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистоннинг иқтисодий ва сиёсий мустақиллигини таъминлаш имконини берувчи тузилмани вужудга келтириш бизнинг мақсадимиздир.

Республика иқтисодиётини таркибий қайта қуриш юзасидан ишлаб чиқилаётган чора-тадбирлар қуйидаги вазифаларни ҳал этишга бўйсундирилгандир:

— республика аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига, талаб катта бўлган товарларга, айниқса болалар ва катта ёшдагиларга мўлжалланган товарларга бўлган биринчи навбатдаги эҳтиёжларини таъминлаш;

— ўз ишлаб чиқаришимизнинг МДҲ нинг бошқа республикаларидан ва импорт бўйича келтириладиган хом ашё, ёқилғи, комплектловчи буюмлар, технологик асбоб-ускуналар-

(Давоми. Боши газетамизнинг 27, 28, 29 август, 3 ва 4, 5, 8, 9 сентябрь сонларида).

60.

га, шунингдек, республика ўзи ишлаб чиқаришга қодир бўлган тайёр маҳсулотларга қарамликни камайтириш;

— тез ўсиб бораётган меҳнат ресурсларини, биринчи навбатда, ёшларни иш билан оқилона таъминлаш, халқнинг тарихий анъаналари ва кўникмаларига, техника тараққиётининг замонавий талабларига жавоб берувчи иш жойларини ташкил этиш;

— қишлоқ хўжалиги хом ашёси ва минерал ресурсларни чуқурроқ қайта ишлаш, рақобатга бардошли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтирилган технологик циклнинг тугалланганлиги даражасини ошириш;

— илғор технологияларга, ишлаб чиқаришнинг замонавий тузилмаларига қатъий ўтиш минерал ресурсларни комплекс қайта ишлаш ва кўп билим талаб қиладиган тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича тармоқлар тизимини шакллантиришни талаб қилади;

— қишлоқ хўжалиги машинасозлигини деҳқон (фермер) ва томорқа хўжаликлари, чорвачилик ҳамда озиқ-овқат экинларини қайта ишлаш учун техника ва кичик механизация воситалари ишлаб чиқаришга қайта ихтисослаштириш;

— республиканинг экспорт имкониятларини кучайтириш, унинг валюта билан тўлаш қобилиятини мустаҳкамлаш.

Халқ хўжалигининг хом ашёвий йўналишини бартараф этиш республика иқтисодиётининг барқарор ва жўшқин ривожланишини таъминлаш имконини беради, иш би-

61.

лан таъминланмаган ишчи кучларини ишлаб чиқаришга жалб этишга, кадрларнинг касб-корлик савиясини оширишга, маҳсулотларни келтириш ва четга чиқаришни мутаносиблаштиришга кўмаклашади, энг асосийси — Ўзбекистоннинг мустақиллиги, унинг халқи турмуш даражасининг ўсиши учун ишончли кафолатлар яратади.

Бешинчидан, бозорнинг ўзгарувчан шароитларида меҳнат қилишга лаёқати бўлган ўзимизнинг юқори малакали маҳаллий кадрларимизсиз Ўзбекистоннинг мустақиллигини тасаввур қилиш қийин. Нафақат умумий маълумот ва тарбияни, балки кадрларнинг касб-корга йўналиш олишини, уларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ўз ичига олувчи ягона узлуксиз миллий таълим тизимини яратиш вазифаси қўйилмоқда. Бунда Ўзбекистоннинг ўзига хос хусусиятлари, халқнинг миллий-руҳий турмуш тарзи, таълимдаги бутун жаҳон ва Шарқ тажрибасининг энг яхши ютуқлари ҳар томонлама эътиборга олиниши керак. Олий ва ўрта махсус таълимнинг бутун тизимини тубдан қайта қуриш, талабалар ўқийдиган мутахассисликлар таркибини жиддий ўзгартиш керак бўлади. Ўқув юртларининг янги шакллари — гимназиялар, лицейлар, коллежлар ривожланади. Малакали ишчи кадрлар тайёрлаш тизими янги хусусиятларга эга бўлади. Иқтидорли ёшларни хорижий мамлакатларнинг етакчи ўқув, илмий марказлари ва фирмаларига ўқишга ва стажировкага юборишга муҳим аҳамият берилади.

62.

Замонавий бозорга ўтишга доир мўлжалланган чора-тадбирлар мажмуини амалга ошириш республиканинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида, унинг янги индустриал мамлакатлар сафига қўшилишида чуқур сифат ўзгаришларига олиб келади ҳамда Ўзбекистон иқтисодий, сиёсий ва маънавий мустақиллигининг ишончли кафолатларини беради.

МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОННИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ НЕГИЗЛАРИ

Ўзбекистонни янгилаш ва ривожлантиришнинг ўз йўли тўртта асосий негизга асосланади. Бу негизлар:

— умуминсоний қадриятларга содиқлик;

— халқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;

— инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилиши;

— ватанпарварлик.

Мустақил Ўзбекистоннинг куч-қудрати манбаи — халқимизнинг умуминсоний қадриятларга содиқлигидир. Халқимиз адолат, тенглик, аҳил қўшничилик ва инсонпарварликнинг нозик куртакларини асрлар оша авайлаб-асраб келмоқда. Ўзбекистонни янгилашнинг олий мақсади ана шу анъаналарни қайта тиклаш, уларга янги мазмун бағишлаш, заминимизда тинчлик ва демократия, фаровонлик, маданият, виждон эркинлиги ва ҳар бир кишини камол топти-

63.

ТИНЧЛИК, ОСОЙИШТАЛИК ҚАДРИГА ЕТАЙЛИК!

(Давоми. Боши 1-бетда).

Шу боис Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг БМТ Бош котибига ташвишланиб мактуб ёзгани бежиз эмас.— **«Қардош Тожикистонда содир бўлаётган воқеаларни минтақамизнинг 50 миллион аҳолиси мана, ярим йилдан буён катта фалокатни сезгандек ташвишланиб, изтироб билан кузатиб турибди, — дейилади БМТ Бош котибига йўллаган мактубда. — Тожикистонда жанглар тўхтамаяпти. Доимо ўқ овозлари эшитиляпти. Турли сиёсий кучлар ва гуруҳлар ўртасидаги кескинлик ҳамда қарама-қаршилик кун сайин кучаймоқда. Бегуноҳ гўдаклар, аёллар, қариялар, оддий фуқаролар тобора кўпроқ ҳалок бўлмоқдалар...».**

Ҳа, бугунги кунда Тожикистоннинг дарди ва ташвиши Ўзбекистонга ҳам кириб келмоқда. Бу ишларда сўзсиз чет элдаги ғаниимларнинг қўли борлиги, ғаламислик қилаётганлиги тобора аён бўлиб бормоқда. Адолат юзасидан айтганда қонун йўли билан сайланган Президентга ишлашига, мамлакатни бошқаришга имкон бериш керак. Республикада тартиб-интизомни кучайтирмоқ, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамламоқ лозим. Ўзбекистон қўшни республикаларидан ҳеч қачон ёрдамини аямаган, Тожикистонда тинчлик, осойишталик бўлиши учун Ўзбекистон Республикаси ҳар қандай ёрдамга тайёр. Буни Президентимиз шахсан бир неча бор таъкидлаган.

Республикамиз собиқ СССР ҳудудидаги давлатлар орасида сиёсий жиҳатдан энг барқарори ҳисобланади. Бунинг асосий сабаби, Президентимиз И. А. Каримовнинг ички ва ташқи сиёсат соҳасидаги одилона талабчанлиги, бу борада оқилона иш олиб бораётганлигидир. Чунончи, муҳолифиятда бўлган сиёсий ҳаракатлар ўзларига байроқ қилиб олмоқчи бўлган ҳаммамизга маълум муаммолар босқичма-босқич ҳал этилмоқда. Бу сиёсий ҳаракатлар, айрим гуруҳбозлар ҳаётимиздаги қийинчиликларимизни оғиз кўпиртириб гапириб, уни бўрттириб айтишни ўзларига шаън деб билмоқдалар. Айни пайтда бу муаммоларни қандай қилиб ечса бўлади, нима қилсак халқнинг мушкулини енгил қиламиз, деган асосий масалада афсуски улар умуман гап юритмайдилар. Ахир асосий ғап бу қийинчиликларни енгиш, халқ фаровонлигини ошириш, уни ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида ижтимоий ҳимоя қилиш ва бу борада мақбул йўллар топиш тўғрисида бўлмоғи лозим-ку! Муҳолифлик дегани бу фақат қийинчиликларни, айрим етишмовчиликларни рўкач қилиб, сафсатабозлик билан шуғулланиш эмас-ку! Шу сиёсатдонлар республика иқтисодиётини кўтариш борасида бирон-бир аниқ ҳаракат ёки таклиф киритганини, биронта мамлакат билан иқтисодий шартномалар тузишга кўмаклашганини на давлат, на халқ билади. Аксинча, улар демократик кучлар ниқоби остида одамларни турли митингбозликлар, намойишларга даъват этишади, оламонни ғайриқонуний ҳаракатларга бошлашади. Ҳали «Бирлик»чиларнинг Тожикистонга бориб нутқ сўзлаганликлари эсдан чиққани йўқ.

ИҚТИСОДНИ кўтариш, халқнинг фаровонлигини ошириш фақатгина тинчлик, аҳиллик ҳукмрон бўлган мамлакатдагина амалга ошади. Муҳолифларнинг ортиқча чиранишлари, одамларни бир-бирларига гижгижлашлари беҳуда. Бугунги кунда республикада осойишталик, ҳамжиҳатлик вазияти барпо этилганлиги чет давлатларнинг биз билан сиёсий ва иқтисодий алоқаларнинг ўрнатишдан манфаатдор бўлишларини юзага келтирмоқда. Шундай бир ҳолатда республикамиздаги бу осойишталикни бузишга, ҳар хил гуруҳлар ўртасида можаралар келтириб чиқаришга қаратилган ҳаракатларга тортиш халқимиз манфаатига зид, деб қаралмоғи керак.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳар қандай ғайриқонуний гуруҳлар фаолиятига кескин зарба бермоқдалар. Эсингизда бўлса Наманган вилоятида тузилган норасмий «Адолат» гуруҳининг ғайриқонуний фаолияти устидан тафтиш ишлари олиб борилган эди. Аниқланишича бу гуруҳ аъзолари фуқароларнинг қонуний ҳуқуқларини поймол қилиб, ўтакетган сурбетлик билан ғайриқонуний равишда суриштирув, тергов ва ҳатто суд органларининг ваколатларини ўзларига олиб, бир неча кунлаб одамларни қамаб қўйиш, уларни калтаклаш ва бошқа усулларда қийноққа солиш билан, аслида содир этмаган жиноятларини «бўйнига олдириш», шу йўсинда ўлардан маълум миқдорда пул талаб қилишлик билан шуғулланганлар. Оқибатда фуқароларга маънавий жабр ўтказишдан ташқари бир неча кишига тан жароҳатлари етказилган. Ҳаттоки, шу қийноқлар жараёнида олган тан жароҳатлари туфайли фуқаро вафот этган. Ушбу жиноятларга алоқадор бўлган «Адолат» гуруҳи аъзолари тергов, суд томонидан жиноий жавобгарликка тортилдилар.

Шунингдек, айрим сиёсатдонларнинг «Миллий мажлис» тузиш ҳақидаги фикрлари Конституциямизга мутлақо зиддир. Бир давлатда иккита парламент бўлишининг тарафдорлари «Миллий мажлис» қонун чиқариш, уларнинг ижросини назоратга олиш ваколатига эга бўлиши ғоясини кўтармоқдалар. Республикамизда Конституцияга асосан сайланган халқ депутатларидан иборат Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши халқ манфаати, хоҳиш-иродасига мувофиқ фаолиятини амалга ошираётган бир вақтда бундай даъватлар қилиш давлат ҳокимияти органларининг ишига путур етказишдан бошқа нарса эмас. Ҳозирда бу факт юзасидан жиноий иш қўзғатилиб, тергов ишлари олиб борилмоқда.

«Бир кун жанжал чиққан уйдан қирқ кун барака кўтарилади», — деган халқ мақоли бежиз эмас. Халқнинг, миллатнинг манфаатларини кўзлаб иш қўрмоқчи бўлган сиёсатчилар буни яхши билиб иш тутишлари даркор. Улар қонунга итоат этмоғи, унга оғишмай амал қилмоқликлари лозим. Қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот тантана қилмаса, шахснинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, қаттиқ интизом, ички уюшқоқлик ва масъулият устивор бўлмаса, қонунлар ва анъаналар ҳурмат қилинмаса, ҳуқуқий давлатни тасаввур этиб бўлмайди.

— **Бизнинг мустақиллигимизни, тинчлигимизни, осуда яхши ҳаётимизни кўролмаётган, истиқлол ва истиқбол сари қўяётган дадил қадамимизни чалиштирмоқчи бўлган, ҳаётимизга заҳар солиш ниятида юрган, ўз юрти, халқига терс иш тутмоқчи бўлиб юрган ғаниимлар бор албатта,** — дейди Тошкент шаҳар ҳокимияти маҳаллалар ишини мувофиқлаштириш доимий комиссияси раиси Шукур Темуров.— **Лекин ундай сотқиларга, нобакорларга керакли зарбани бера оладиган соғлом кучлар етарлидир. Омонатга хиёнат қилганлар, диёнатини йўқотганлар халқнинг дашномига учрашлари муқаррардир. Аммо халқимиз, улуғларимиз ўгитларига, панду насиҳатларига амал қилган ҳар бир шахс ҳаётда ўз йўлини топа билган. Ўзбек халқи аҳлоқий-маънавий тарбия бобида ибратли халқ эканлигини, буюк аждодларимизга муносиб бўлишликни унутмаслигимиз лозим. Одамдан одамнинг фарқи бўлганидек, раҳбар билан раҳбарнинг катта фарқини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб келмоқда. Республикада ўтган икки йилдан ортиқ давр ичида амалга оширилаётган хайрли ишларни ақлирасо ҳар бир киши кўриб-билиб турибди. Биргина мустақилликнинг ўзи халқимизнинг 130 йиллик орзуси эди. Шундай тарихий дамларни бошидан кечираётган, ҳали олдимизда қилинадиган улуғвор ишларимиз ошиб-тошиб ётган бир вақтда ўтмишдан, атрофдаги қўшни давлатлардаги вазиятдан сабоқ олиб, Ўзбекистонимизнинг иқтисодий ва сиёсий мустақиллиги, истиқболининг мураккаб ва машаққатли йўлларида барча кучларни бирлаштириб иш тутмоғимиз, куйди-пишди Президентимизнинг олиб бораётган сиёсатига камарбаста бўлмоғимиз зарур».**

МАЪЛУМКИ, республикамизда ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлашда ҳуқуқ-тартибот органларининг ҳам хизмати каттадир. Кейинги икки йил мобайнида республикамизда жиноятчилик кескин камайди. Жумҳуриятимиз ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ҳамжиҳатликда олиб борган ижобий тадбирлари туфайли 1990—1991 йилларда жиноятчиликнинг ўсишини камайтиришга, бу соҳада бироз барқарорликка эришишга муваффақ бўлинди. 1991 йилда 1990 йилдагига қараганда жиноятчилик атиги 0,5 фоиз ўсган. Жиноятчилик тизимидаги оғир жиноятларнинг нисбий вазни 13 фоизни ташкил этади. Аммо шу билан бир қаторда 1992 йилнинг биринчи ярмида умумий жиноятчиликнинг ва унинг айрим турларининг кўрсаткичлари бироз ўсганлигини эътироф этмоқ лозим. Бу ҳолат жамиятимиз ҳаётида рўй бераётган ўзгаришлар, айниқса, моддий таъминотдаги муаммолар билан узвий боғлиқдир. Ана шу тарзда, яъни ғаразгўйлик билан содир этиладиган жиноятларнинг сонининг ортиши илгаридан маълум эди. Чунки 1991 йил апрель ойидан бошлаб нарх-наволарнинг оширилиши иқтисодий қийинчиликларни келтириб чиқарди. Оқибатда ўзгалар мулкини ғайриқонуний равишда эгаллашдек жиноятлар содир этиш ҳоллари кўпайди. Бироқ шуни алоҳида таъкидлаш керакки, жиноятларнинг айрим турлари 1992 йилнинг биринчи ярмида анча камайди. Содир этилган жиноятларнинг фош этилиши ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 10 фоизга кўпайди.

Илгарилари бизда уюшган жиноятчиликнинг мавжудлиги тан олинмас эди. Эндиликда жиноятчиликнинг бу хавфли тури билан юзма-юз келиб турибмиз. Унга қарши кураш ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар олдида турган энг мураккаб масалалардан биридир. Аммо, замонавий қуроллар ва техника ҳамда бошқа совуқ қуроллар билан бекамуқўст қуролланган жиноятчи гуруҳларга қарши кураш масаласи фақатгина ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг якка тартибдаги тадбирлари билангина ҳал қилинмайди. Бу соҳада прокуратура, миллий хавфсизлик хизмати, ички ишлар органлари ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган техника, тезкор маълумотлар мажмуини ўз ичига олувчи компьютер техникасини кенг қўллаши зарур. Уюшган жиноятчиликка қарши кураш йўлида ўтган йили 42 та жиноятчи гуруҳлар аниқланиб, улар томонидан 246 та жиноят содир қилинганлиги фош этилди. Шу йилнинг биринчи ярмида эса 47 та уюшган жиноятчи гуруҳлар аниқланиб, улар 348 та жиноят содир этишда айбланди.

Уюшган жиноятчиликнинг хавфли йўналишларидан бири жиноий йўл билан тўпланган маблағларни «очиқ бизнес» бўғинлари орқали «қонуний маблағ»ларга айлантириб, ўша пуллар ҳар хил кооперативлар, қўшма корхоналар фаолиятига киритилаётганлигидир. Шунингдек, бу пуллар зарур ҳолларда айрим мансабдор шахсларга пора тариқасида берилиб, жиноий гуруҳларнинг таъсир доирасининг янада кенгайишига олиб келмоқда. Шу муносабат билан республика Президентининг Фармонига биноан «Ташқи иқтисодий фаолиятда порахўрлик, талон-тарож қилиш ва бошқа суиистеъмолчиликларга қарши кураш бошқармаси»нинг ташкил этилишини давр талаби, вазият тақозоси дейиш мумкин. Мазкур бошқарма томонидан **«НУР АНВАР БАНК»** тижорат банки мансабдор шахсларига нисбатан жиноий иш қўзғатилган. Терговда аниқланишича, бу банк бошидан ғайри-қонуний маблағлар ҳисобига ташкил этилган бўлиб, фаолияти ҳам ўз Низомида кўрсатилган тартибда олиб борилмасдан республика ҳукумати томонидан таъқиқланган — харид қилиш, савдо-сотиқ, воситачилик ва бошқа ғайриқонуний фаолият билан шуғулланган. Тергов жараёнида бу банкдан 5 миллион сўм пул, 16400 АҚШ доллари, 95 та енгил автомашина ва бошқа қимматбаҳо нарсалар олинган.

Умуман, ҳозирда ушбу бошқарма таркибига кирувчи прокуратура ва ички ишлар вазирлиги терговчилари томонидан ташқи иқтисодий алоқалар соҳасидаги талон-торожлик ва бошқа жиноятлар билан боғлиқ 22 та жиноий иш тергов қилинмоқда. Иқтисодиётимиздан ҳар хил ғайриқонуний йўллар билан четга чиқарилган 100 миллионлаб пуллар республикамизга қайтарилди.

Лекин шунга қарамай ҳали республикамизда ҳуқуқ-тартиботни, тартиб-интизомни мустаҳкамлашда тегишли орган ходимлари кўплаб ишларни амалга оширишлари лозим. Улар республикамиз ҳудудидаги барча жамоат жойларида ва кўчаларда фуқароларнинг осойишталигини таъминлаш учун ҳамма чора-тадбирларни қўрмоқликлари керак. Бу ишдан шаҳар ва қишлоқлардаги меҳнат жамоалари, маҳаллалар фаоллари, умуман жамоатчилик ҳам четда турмаслиги керак. Хуллас «Юртинг тинч — сен тинч» деган гап эсимиздан чиқмаслиги лозим.

Нуриддин МУҲИТДИНОВ:

«БОБОЛАРИМНИ— ШОМУҲИТДИН, АКРОМШО, ШОЁҚУБ ДЕРДИЛАР»...



КЎҲНА ва навқирон Тошкентда бир маҳалла бор. Уни Аллон дейдилар. Бу маҳаллада нечоғлиқ улуғларнинг излари бор. Уларни бутун Тошкент танийди, Эл-юрт билади. Номларини санаса газетнинг саҳифаси етмайди. Аллон Тошкентнинг энг қадимий маҳаллаларидан бири. 20-йилларда бошлаб Шомуҳитдин Акрамшо ўғли қарийб 30 йил маҳалланинг узлуксиз раиси бўлиб келдилар. Зотилжам касаллигига чалингандан кейин маҳалла раҳсати билан раисликдан озод этилдилар.

Шомуҳитдин отанинг қўли гул, ҳунарлари бисёр, ўзлари оқсоқол эди. У кишининг оталари Акромшо бобо чин боғбон эдилар. Акрамшо бобонинг Аллондаги боғининг таърифи ўзига хос бир достон эди. Тошкент ва Тошкент атрофидаги боғбонлар ўзларини Акромшо бобонинг шогирдлари деб билишади. Акромшо бобонинг боболари Шоёқуб бобо эса Тошкентга таниқли эгарчи бўлганлар. Шоёқуб уста ясаган эгар-жабдуғни шаҳарнинг қозикалонлари ҳам навбат билан кутишарди. Шоёқуб бува машҳур Азимбойнинг ҳамсуҳбати эди. Бува Тошкентни ўрислардан ҳимоя қилишда қатнашиб, тиғ азобини тортган.

Шу асрнинг бошларида бу оилага қўшни Чақичмондан дўкондор Муҳаммаджон бойнинг Сабринисо исмли гўзал ва кўркам қизи келин бўлиб тушди. Шомуҳитдин ва Сабринисонинг тўйларида ўйнаб-кулган ва ош еганлар ҳали-ҳали бу бахтли маросимни яхши эслашади.

1917 йил кузида бу оилада ўғил фарзанд туғилди. Унга Нуриддин деб от қўйдилар. Йиллар келиб Нуриддин Муҳитдинов энг камида уч номни: Аллонни, Тошкентни ва ўзбекни дунёга танитди. Нуриддин Муҳитдинов 50-йилларда Ўзбекистон Республикаси ҳукуматини бошқариб, кейинчалик Ўрта Осиёда биринчи бўлиб КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси бўлди. Н. С. Хрушчев, В. М. Молотов, К. Е. Ворошилов ва бошқалар билан ёнма-ён ишлади.

Нуриддин Муҳитдиновнинг ҳаёт йўли ҳеч бир мақолага сиғмайди, у ўзига хос бир китоб. Бироқ бугун ушбу кичик лавҳага туртки бўлган воқеа ҳам ўзига хос. Республика мустақиллигининг бир йиллиги тантанали нишонланган кунлар давомида халқимизнинг суюкли ва ардоқли фарзандларидан бири Нуриддин бобо Муҳитдинов ўз дўстларига, сафдошларига, юртдошларига ва қавму-қариндошларига таклифнома йўллабдилар. **«Падари бузрукворимиз Шомуҳитдин Акромшо ўғиллари таваллудининг 100 йиллиги ҳамда марҳума волидамиз Сабринисо Муҳаммаджон қизлари таваллудининг 95 йиллиги муносабати билан шу йил 11 сентябрь—жума куни наҳорда ёзиладиган дастурхонимизга путфан таклиф этамиз...**

Камоли эҳтиром билан Нуриддин Муҳитдинов».

— Онам қазо қилганларида,—деб ҳикоя қилади Нуриддин Акромович, — 1951 йил Тошкент область партия қўмитасининг 1-котиби эдим, бюро бораётган эди. Ойим раҳматли ўшанда 50 ёшда эдилар. «Ойингиз вафот этдилар», деган шум хабар ҳамон қулоғим остида тош қотиб тургандек. Отам қазо қилганларида эса мен Сурияда собиқ Совет Иттифоқининг фавқулодда муҳтор элчиси эдим. Кечагидек ёдимда: 1976 йил дўстим Шараф Рашидов Тошкентдан телефон қилиб қолди: «Нуриддин Акромович, тезроқ келинг!» Орадан икки соат ўтгач Тошкентдан яна қўнғироқ бўлди. Бу сафар Шараф Рашидовнинг топшириғи билан республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Мунаввар Турсунов қўнғироқ қилаётган эди...

Ўша пайтда Дамашқдан Москвага учадиган самолёт кетиб улгурган эди. Менинг ночор аҳволда қолганимдан хабар топган Сурия Президенти Ҳафиз Асад ўз самолётини таклиф этди. Кейин билишимча Шараф Рашидов Москвага Андрей Андреевич Громикога, Громико эса Дамашққа сим қоққан эканлар... Лекин уч давлатнинг раҳбари марҳамат қўлини чўзиб турса ҳам, тақдир экан, азиз ва меҳрибон падари бузрукворимиз билан видолашиш менга насиб этмади. Масофа узоқлиги ўз ҳукмини ўтказди.

ЎЗБЕК халқининг атоқли ва ардоқли фарзандларидан бири Нуриддин Муҳитдинов хонадонида бугун файзли дастурхон ёзилган. Бу хонадонга оқиб келаётганларнинг чеки йўқ. Бу мумтоз ва нурли остонага қадами етганларнинг боши осмонда, етолмаганлар армонда. Эшитганлар оқиб келаверади. Бу дарвоза фақат бугун эмас, ҳар куни очиқ. У ўзбекнинг ўзига абадулабад чорлаб турадиган нурли остоналаридан биридир. Бу остонага ўзбекни ва ўз юртини жаҳонга танита билган, шу боисдан ҳам ҳар бир ўзбекнинг қалбидан жой олган Нуриддин бобо яшайдилар. Нуриддин Муҳитдинов эса ўзлигини унутгандек, боболар босиб ўтган йўлни улуғлаб турибди: «Шомуҳитдин, Акромшо, Шоёқуб менинг боболарим!..»

Шараф УБАЙДУЛЛАЕВ.

Суратларда: 1. Шомуҳитдин Акромшо ўғиллари. 2. Сабринисо Муҳаммаджон қизлари. 3. Нуриддин Муҳитдинов В. М. Молотов билан. 4. Нуриддин Муҳитдинов Шараф Рашидов билан.

ДОРИЛФУНУНИ

ришга эришиш учун зарур шарт-шароит яратишдир.

Инсонпарварлик — бу ўзбек халқи миллий руҳиятининг ажралмас фазилатидир. Шафқатсизлик ва зўравонлик унинг табиатига ётдир. Бизнинг халқимиз ўзининг воқеаларга бой кўп минг йиллик тарихи давомида кўп нарсаларни бошидан кечирди — маданият, илм-фан, ўз давлатчилиги ютуқлари нашидасини сурди, ўзаро низолар, бегоналар асорати аламини тортди, энг яхши ўғил-қизларидан жудо бўлди. Лекин тарихнинг ўйини ҳам, омонсиз жангу жадаллар ҳам, табиий офатлар ва очлик ҳам халқимизнинг инсонийлик табиатига доғ туширолмади. Ўзбек оиласида бугунги кунда яхшилик ва ёруғлик, болаларга меҳр, катталарга ҳурмат, яқинларга ва бошқаларнинг қайғусига ҳамдардлик мужассамлашгандир.

Ўзбекистон Шарқ маданиятининг энг яхши анъаналари йўлидан бориб, меҳмондўстлик ва аҳил дўстлик эшигини кенг очди, бадарға қилинганлар, ватанидан жудо бўлганлар, урушлар ва таъқибларнинг қурбонлари ҳар доим Ўзбекистонда бошпана топганлар, халқимизнинг меҳрибонлигидан баҳраманд бўлганлар. «Сен етим эмассан»— Улуғ Ватан уруши йилларида ўзбек қалбидан ота-онасидан ва киндик қони тўкилган хонадонидан жудо бўлган болаларга қарата ана шу юрак сўзлари янгради. Ўша кезларда халқ шоири Ғафур Ғулом қуйидаги дард сўзларини ёзган эди:

64.

Сен етим эмассан,
Тинчлан, жигарим,
Қуёшдай меҳрибон
Ватанинг — онанг,
Заминдай вазмину
Меҳнаткаш, мушфиқ,
Истаган нарсангни тайёрлагувчи
Халқ бор — отанг бор.

Хонадонимиз бошига ташвиш тушганда ва 1966 йил зилзиласи Тошкентни вайрон этганда уни қайта тиклашда ўзбекистонликларга қардош халқлар ёрдамга келдилар. Ўзбекистон 120 дан ортиқ халқ вакиллари учун ўз уйидек бўлиб қолди. Шунинг учун ҳам улар ўзбек халқига азиздир. Ҳозирги мураккаб вақтда ҳам ана шуларнинг ҳаммаси муқаддас хотира сифатида сақланиб, бизни Тарих ва Абадият олдида янада донороқ ва янада инсонийроқ қилмоқда.

Диёримиз кишилари қадим замонлардан ўзларига маълум бўлган Инсоният билан ҳамфикр бўлиб келдилар, яқиндан алоқа боғлаб яшадилар. Бунга кўпдан-кўп мисоллар бор. Осиёнинг қаъридан Яқин Шарққа, Оврўпога ва Африкага олиб борадиган Буюк Ипак йўли. Бутун маданий оламга таниқли олимлар ва мутафаккирлар, Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз, Хива сингари давлатлар ва шаҳарлар яратувчилари бўлмиш улуғ аждодларимизнинг ижодиёти ўзининг улуғворлиги ва гўзаллиги билан ҳозиргача ҳаммани лол қолдирмоқда. Бизнинг халқимиз авлоддан-авлодга, аждодлар заминига чуқур меҳр қўйиб, ҳар доим яқин ва узоқ халқлар тақдирига бефарқ қарамаган. Янги замонда, бизнинг кунларда эса пойтахтимиз Тошкент

65.

энг муҳим давлатлараро мулоқотлар ўтказиладиган жой бўлиб қолди, мамлакатлар ва халқларнинг ярашишига ёрдам берди. Жамоат арбоблари ва ёзувчиларнинг халқаро Тошкент учрашуви, фестиваллар ва илмий анжуманлар ҳар доим дўстлик ва маданиятнинг ёрқин тимсоли бўлиб қолади.

Ўзбекистоннинг мустақиллиги, унинг дунё кўз ўнгидаги очиқлиги шундай бир серунум тупроққи, бизнинг маънавий имкониятларимиз унда тобора тезроқ унади, давлатларгина эмас, балки жамоатчиликнинг ҳам муттасил кенгайиб бораётган халқаро алоқаларига суянади. Бугунги кунда ҳур ва озод халқимиз барча халқлар ва давлатлар томонидан яратилган маърифатда, фан ва техникада, маданият ва санъатда нимаики янги ва илғор жиҳатлар бўлса, шунга дадиллик билан интилмоқда. **Ўзбек диёрида, тарихда кўп марта бўлганидек, яна янгидан ўзимизнинг бетакрор ва илғор, иқтидорли ва энг муҳими — инсонларга керакли қадриятларимиз барпо этилади.**

Инсон ҳуқуқлари ва демократия сингари умумбашарий қадриятлар республикамизнинг миллий-давлатчилик манфаатларига, халқимизнинг ўзига хослигига, унинг анъаналарига тўла мос келади. Инсон ҳуқуқлари бизнинг жамиятимизда қонунлар билангина эмас, балки халқнинг ўз онги, унинг ахлоқий тажрибаси, меҳр-шафқати ва сезгирлиги билан ҳам мустаҳкамланади.

Инсоннинг энг устивор ва муқаддас ҳуқуқларидан бири — бу тинч яшаш ҳуқуқидир. Давлат ва жамиятнинг бурчи ана шу

66.

ҳуқуқни барча қонуний воситалар билан кафолатлаб беришдир. Бу ҳуқуқни амалга ошириш — давлат ва жамиятни демократиялаштиришнинг энг муҳим шартидир. Демократиянинг инсонпарварлиги шу билан белгиланади. У ёки бу ғоялар ёхуд муайян кучлар манфаати учун инсон қонини тўкишга, одамлар ўз фарзандлари ҳаётидан ҳавотирланиб яшашига йўл қўйиб бўлмайди. Ўзбекистон ер юзининг ҳамма минтақаларидаги барча қарама-қарши кучларни тинчликка даъват этиб келган ва ҳозир ҳам шунга даъват қилмоқда. Шуни эсда тутайликки, инсонларнинг ҳалок бўлиши энг эзгу ва ажойиб интилишларга хос бўлган инсонпарварлик мақсадларини қадрсизлантиради.

Бутун дунё ягона ва ўзаро боғлиқдир. Бизнинг муштарак бурчимиз ер юзини болаларимиз ва набираларимизга обод ва бахтиёр яшашлари учун муносиб қилиб қолдиришдир. Ўзбекистон энг оғир қийинчиликларга дуч келди. Ўрта Осиё минтақасининг сув ресурслари тугаш олдида. Оролнинг экологик ҳалокати жаҳон миқёсидаги фожиа деб ташвиш билан эътироф этилмоқда. Бу фожиани Ўзбекистон ва унинг қондош-қардош қўшнилари якка ҳолда даф этолмайдилар.

Яшаш муҳити, табиат ва маънавият экологияси бир-биридан ажралмасдир. Бизнинг ота-боболаримиз кишилар билан учрашганда ёки хайрлашганда, аввало, чин юракдан мустаҳкам саломатлик тилашган. Сиҳат-саломат бўлишнинг анъанавий қадрини қайта тиклаш ва оила қадри билан шарафли бир ўринга қўйиш керак. Бизнинг заминимиз

(Давоми бор).

67.

«Мустақиллик йўли—истиқбол йўли» байрам йўқламаси

НАМАНГАН

ИСТИҚЛОЛ ШАРОФАТИ

Мустақил республикамиз бир ёшдан ошди. Бу қисқа давр республикамиз фуқаролари каби Наманган вилояти ҳаётида ҳам муҳим босқич бўлди. Вилоятнинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маданий ҳаётида катта ўзгаришлар рўй берди. Вилоят ҳокими Б. РАПИҒАЛИЕВ билан шу лар ҳақида суҳбатлашдик.

— Бургутали ака, ўтган бир йил вилоят халқи ҳаётида қандай из қолдирди?

— Аввало, халқимиз ўзлигини, қадр-қимматини тушуниб етмоқда. Унутилиб, оёқости бўлиб бораётган миллий қадриятларимиз қайта қадр топа бошлади. Йил давомида мустақилликни, истиқлолни асраш, мустаҳкамлашга ссф виждонли ҳар бир фуқаро қўшаётган ҳисса ортиб борди. Чунки эски Иттифоқ давридаги иқтисодий алоқалар чок-чокидан сўкилиб кетганига қарамай, аксарият корхоналар ички имкониятларни ишга солиб, ўз фаолиятларини бир маромда давом эттиришга эришмоқдалар.

Айни пайтда мавжуд 110 саноат корхонасининг барчасини тўла қувват билан ишлатиш тадбирлари кўрилмоқда. Албатта бу бозор иқтисодиёти шароитида осон кечаётгани йўқ. Лекин шунга қарамай, вилоят ҳокимияти томонидан ҳорижий мамлакатлар ҳамда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидаги айрим вилоятлар билан хом ашё айирбошлаш бўйича ўзаро шартномалар тузилмоқда.

Маданий-маърифий соҳада ҳам олға силжилди. Янги ўқув йилида 14 та мактаб, 31 та боғча-ясли ишга туширилди. Наманган райони ва Чортоқ шаҳрида иқтидорли болалар учун лицейлар очилди. Наманган шаҳрида туркиялик маорифчилар 100 ўринли шахсий колледж очишни мўлжалламоқдалар.

— Маълумки, бозор иқтисодиёти ўз ҳукмини ўтказмоқда. Давр айрим корхоналар фаолиятини қайта қуришни, ҳорижий фирмалар, концернлар билан қўшма корхоналар ташкил этишни тақозо этмоқда. Бу борада қандай ишлар амалга оширилади?

— Чиндан ҳам собиқ Иттифоқнинг тугатилиши кўплаб ишлаб чиқариш корхоналари фаолиятини издан чиқарди. Айниқса, четдан хом ашё олиб ишлайдиганлари оғир аҳволга тушиб қолишди. Лекин вилоятимиздаги корхоналар раҳбарлари ва мутахассислари четдан хом ашё кутиб, қўл қовуштириб ўтирганлари йўқ. Улар дастлабки кунларданоқ ўз корхоналари фаолиятини қайта қуришга киришдилар.

Қўшма корхоналар ташкил этиш борасида ҳам ижобий ишлар қилинмоқда. Ҳозир вилоятимизда 10 дан ортиқ ана шундай корхсналар ишлаб турибди. Жумладан, Санкт-Петербург тикувчилари билан ташкил этилган қўшма корхонада куртка ва плашч каби маҳсулотлар тайёрланмоқда. Айниқса, Канада билан ҳамкорликда чиқарилаётган «Мистер гудбай» эркаклар кўйлаги ҳорижликларга ҳам манзур бўляпти.

— Бургутали ака. Аҳолининг кам таъминланган қисмини ижтимоий ҳимоялаш борасида қандай ишлар амалга оширилянти?

Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш масаласига келсак, биз ўз олдимизга бозор иқтисодиётига ўтилаётган даврда вилоятимизнинг ҳар бир фуқаросини назар-эътибордан қочирмасдан, уларнинг тинчлигини таъминлашни асосий вазифа қилиб қўйганмиз. Шу масала юзасидан республикамиз Президенти И. А. Каримовнинг Фармонлари ва ҳукумат қарорлари асосида аниқ тадбирлар, режалар ишлаб чиқилган. Шунга кўра бу йил аҳолининг кам таъминланган, ёрдамга муҳтож қисмини ижтимоий ҳимоялаш учун 1,2 миллиард сўм сарфлаш кўзда тутилган.

Суҳбатдош: А. МАДАТОВ.
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Хўжалигимиз ҳудудида 10 дан ортиқ миллат вакиллари истиқомат қилишади. Уларнинг аҳиллиги, ҳамжиҳатлиги туфайли барча соҳалар бўйича белгиланган режалар ҳамиша ошириб бажарилади. Республикамиз Мустақиллик байрамини ҳам ана шундай ҳамжиҳатлик, уюшқоқлик билан кутиб олдик. Байрам арафасида 4 гектар майдонда 10 минг ўринли стадион фойдаланишга топширилди. Минг ўринли мактаб, қишлоқ врачлик амбулаторияси, янги магазин қурилиши тугалланди ва кўпгина ободонлаштириш ишлари амалга оширилди.

Жамоамиз аъзолари билан маслаҳатлашиб Мустақиллик кунига муносиб совға тайёрлаш мақсадида 15 гектар ерда ҳамюртимиз Нодим Намангоний номидаги боғни ташкил этишга киришгандик. 1 сентябрь куни ана шу боғ — Наман-

АҲИЛЛИКДА ҲИКМАТ КЎП

гоний музейининг очилиш маросими катта тантанага айланиб кетди. Унда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Эркин Самандаров, вилоятимиз ва районимиз ҳокимлари иштирок этишди.

Вилоятимизда байрамларга байрамлар, тўйларга тўйлар уланиб кетяпти. 22, 23 август кунлари Наманган шаҳрида анъанавий гул байрами бўлиб ўтганди. Мустақиллик шодиёналаридан сўнг эса куни кеча вилоятимиз деҳқонларининг Ҳосил байрами кенг нишонланди. Бу тантаналарда иштирок этиш учун қўшни вилоят ва республикалардан меҳмонлар келишди. Уларнинг ҳаммаси Намангандаги тинчлик, осойишталиқдан, одамларнинг меҳмондўстлигидан мамнун бўлишди. Ҳатто Россиядан келган бир дўстим: «Очиғи Наманганга иккиланиб, ҳадиксираб келгандим. Бу ерга келиб уларнинг ҳаммаси тумандай тарқаб кетди» дея дилини ёрди.

Ҳа, бугун Наманганда осойишталик яратувчи меҳнат ҳукм сурмоқда. Бунга вилоят ҳокимияти олиб бораётган яхши ишлар, аҳиллик, ҳамжиҳатлик қарор топаётганлиги туфайли эришилмоқда.

Х. МАМАЖОНОВ.
Наманган районидаги «Зарбдор» жамоа хўжалиги раиси, республика колхозлар Кенгаши раиси.

Суратда: Наманган районидаги «Зарбдор» жамоа хўжалиги раиси Хомидхон ҳожи Мамажонов 5-бригада аъзолари билан суҳбатлашмоқда.
Т. ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

СУРХОНДАРЁ

180 НАБИРАЛИ ЧЕВАР

Сурхондарё вилояти, «Гожари», «Чумчуқ кўзи» каби нусхадаги гиламлар, ипак сўзана-ю кашталар билан безатилган хонадонлар кўзни қувонтирарди. Ана шундай гўзалликни кўриш келгуси авлодларга ҳам насиб этармикан? Дўконларда фабриканинг гиламлари, рангдор гул қоғозлари чиройини кўз-кўз қилганида, ўзимизни қийнаб гилам тўқишимиз ёхуд кашта тикишимиз шартмикан, деган ўйга бормаймизми?

Ойсоат момо Жумаева кўп қатори Қумқўрғон районидаги Сафар Бойматов номли жамоа хўжалигида осойишта ҳаёт кечиряпти. Момонинг деярлик ярим асрлик ҳаёти жамоа хўжалигида меҳнат қилиш билан ўтди. У ўтган умридан нолимайди. Бунга шукроналар қилади. Момонинг уч ўғли ҳамда тўрт қизидан кўрган бир юз саксон невара-ю чевара ва яна эваралари уни ҳоли-жонига қўйишмайди. Момо 94 ёшга тўлган бўлишига қарамай, тетик ва бардам. Меҳнат билан суяги қотган бу онахон ҳали ҳам суюкли юмуши— кашта тикишни қўймайди. У бу ажойиб ҳунар сирларини келинлари, невараларига ҳам ўргатмоқда. Ойсоат момодан кашта тикиш сирларини ўрганган келинларининг уйларида меҳмон бўлсангиз кўнглингиз яйраб кетади. Бундай нафис ва гўзал санъат авлодлардан авлодларга, асрдан асрга ўтажагига иқрор бўласан киши.

Суратда: Ойсоат момо ҳамда келини Санобар Жумаевалар кашта тикишмоқда.

Ш. ШАРОПОВ олган сурат.

ХЎЖАЛИК ИШБИЛАРМОНЛАРИ

● Узун туманига қарашли Бобомурод Омонов номидаги жамоа хўжалигининг 5 гектар олчазорида мўл ҳосил етилди.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш маҳаллий идораси, деҳқончилик-саноат уюшмаси қошидаги кичик корхона ишбилармонлари ва бошқа харидорлар уни тезроқ арзон-гаровга сотиб олишга ошиқишди. Бироқ боғбонлар бўш келмай, олчани ким ошдига қўйишди. Биров унча деди, бошқаси бунча деди, оқибат натижада ҳар килограмм олча 18 сўм белгиланди. Харидор хўжаликка нақд бир миллион сўм санаб берди, деб хабар қилди. Ўза мухбири.

ҚАШҚАДАРЁ

ЭРКИМИЗ ҚЎЛИМИЗДА

Қашқадарё вилоятининг маркази бугун ҳар жиҳатдан камол топиб, ҳудудий чегаралари кенгайиб, обод бўлиб боряпти. 210 минг киши яшаётган бу байналмилал шаҳар аҳолиси ўзаро дўстлиги, аҳиллиги, меҳнатсеварлиги туфайли ривожланиш томон катта қадамлар ташламоқда.

Маънавиятнинг изчил ривожланиб бораётгани ўз навбатида шаҳар иқтисодиётини ўнглаб олишимизда муҳим ўрин тутмоқда. Биз иқтисодиётни ривожлантиришнинг маъқул йўлларини танлаганимиз учун шу борада ижодкорликка кенг имкониятлар яратилмоқда. Айниқса, кичик корхоналар барпо этиш, ишбилармонларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамиша диққат эътиборда. Шу кунларда шаҳримизда 141 та кичик корхона, акционерлик жамияти, иккита қўшма корхона ишлаб турибди. Бир қатор кичик корхоналар шаҳар хўжалигини ривожлантиришга катта ҳисса қўшмоқда. «Туркистон» қурилиш фирмаси эндиликда бошқа вилоятларда ҳам шуҳрат қозонмоқда. Фирма шу йил бошидан бери 19 миллион 982 минг сўмлик қурилиш ишларини бажарди.

Юрт тинч, аҳоли тўқ бўлсин, деган ҳоким вақтини халқнинг ўртасида ўтказиши керак. Мана шундай учрашувлардан бирида кишилар айрим маҳаллаларнинг номларини ўзгартиришни таклиф қилишди. Уларнинг бу таклифини ўрганиб чиқиб, ҳеч нарсанинг маъносини англатмайдиган кўчалар номи ўзгартирилиб, қадимги тарихий номлар билан атала бошланди.

Ердамга муҳтож кишиларни ижтимоий ҳимоялашга алоҳида аҳамият берилмоқда. Шаҳримизда йил бошидан бўён ўқувчилар, мактаб ўқитувчилари, меҳр-шафқат ҳамширалари транспортдан бепул фойдаланмоқдалар. Наврўз, рўза, Қурбон ҳайит каби байрамлар кенг нишонланаётгани меҳр-оқибат, инсоф ва диёнат каби қадриятларимизнинг ҳаётга қайта кириб келаётгани натижасидир. Биз бу соҳада жуда кўп ишларни амалга оширдик. Масалан, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларга моддий ёрдам кўрсатилаётир. Биргина 5-болалар уйида 14 боланинг суннат тўйи ўтказилди. Уларнинг ҳар бири номига 1000 сўмдан пул қўйилиб, жамғарма ҳисоби очилди.

Ўтган бир йил ичида бажарилган барча юмушларни сарҳисоб қилар эканмиз, келажакдаги тадбирларни ҳам белгилаб оляпмиз. Яқинда республика Президенти Фармони билан темир йўл тармоғи бўлими ташкил топди. Шу муносабат билан темирйўлчилар яшайдиган посёлка янада кенгайтирилади. Қўнғиротда йўлдош шаҳарча бунёд этилади. Чимқўрғон сув омборидан сув келтирилиб, насос станцияси қурилади. 1 минг 250 гектар майдонда бунёд этилаётган бу шаҳарчада келгусида 50 минг аҳоли яшайди.

Қарши шаҳри эса боғ шаҳарга айлантирилади. Ҳозир бу ерда 4 гектарлик янги боғ барпо этиляпти. Яна 51 гектар боғ ташкил этилиб, сув ҳавзаси ҳам барпо қилинади. Хуллас, ният-режаларимиз кўп. Буларни шаҳар халқи билан маслаҳатлашиб, амалга ошириямиз. Чунки, эндиликда биз озод халқмиз. Эркимиз ўз қўлимизда. Турмушимиз ҳам мана шу мустақиллик сингари чиройли, мазмунли ва бекаму кўст бўлиши керак.

М. МАҲМУДОВ,
Қарши шаҳар ҳокими.

Қўриқ хўжаликда тўрт йилдан бери бригада бошлиғиман. Пахтакор илгарилари қанчалик жон куйдириб ишламасин, ҳузурини бошқалар кўрарди. Етиштирган маҳсулотимиз арзон гаровга кетарди. Мустақиллик берган эркинликлардан бири маҳсулотларимизнинг қадр топганидир. Шунингдек ерга хўжайинлик туйғуси вужудга келди. Ўзимиз эркин меҳнат қила бошладик.

Биргина ўтган йили ,оилавий пудрат асосида ишлаб 58 гектар ерда пахта етиштирдик. Ҳар гектар ердан 46 центнердан «оқ олтин» ҳосили йиғиштириб олдик. 30 гектар майдонда беда

МЕҲНАТ ЗАВҚИ

ўстирдик. Шулар ҳисобидан оилавий бригадамизга 800 минг сўм даромад келган бўлса, шунинг 375 минг сўми иш ҳақига тақсимланди.

Бу йил ҳам ўғил-қизларим билан 30 гектар майдонда пахта етиштиряпмиз, 20 гектар ердаги ғаллазорнинг ҳар гектаридан 50 центнердан дон йиғиштириб олдик.

Бригадамиз ҳузурида фермер хўжалиги ташкил этдик. Ҳозир 400 бош қўй, 30 та қорамол, 12 та бия боқилмоқда. Давлатга йил охиригача 4 тонна гўшт топширамиз. Мақсадимиз — республикамиз мустақиллигини ҳалол меҳнат билан мустаҳкамлашдан иборат. Келажакка ишонч бизни яхши хайрли ишларга илҳомлантирмоқда.

А. ФАЙЗИЕВ,
У. Юсупов районидаги «Тошкент» совхози бригада бошлиғи.



Нишон районидаги «Нишон» наслчилик давлат хўжалиги аъзолари чорва қишловига мўл-йўл озуқа жамғаряптилар. Бу ишда механизатор Нурали Жабборов ҳамкасбларига намуна кўрсатмоқда.
У. ҚУШВОҚОВ олган сурат.

● «МУСТАҚИЛЛИК—МЕНИНГ ИФТИХОРИМ» ФОТОКОНКУРСИГА



Узбек хотин-қизларидан чиққан биринчи машинист, меҳнат фахрийси Башорат Мирбобоева набиралари билан. В. МОЛГАЧЕВ олган сурат.

● Спорт

СПАССКИЙ—ФИШЕР —2:1

● ЮГОСЛАВИЯНИНГ Авлиё Стефан оролида халқаро гроссмейстерлар Роберт Фишер билан Борис Спасский ўртасида бешинчи учрашув бўлиб ўтди.

«Спасский мени» ютса, жаҳон чемпиони бўлади», «Бу учрашувни жаҳон шахмат чемпионати, деб билмоқ керак», «XX. аср реванш-матчи», «Каспаровни ҳақиқий жаҳон чемпиони дея олмайман». Дастлабки тўрт учрашувдан кейин мухбирлар билан ўзаро мулоқотда бўлган Фишер ана шундай фикрларни билдирди. Бешинчи учрашувда оқ доналарни сурган Фишер эса 45-юришга борганда иккинчи мағлубиятни тан олди. Спасский умумий ҳисобни (2:1) ўз фойдасига ҳал қилди.

● УЗБЕКИСТОН ҲАВО ЙЎЛЛАРИДА

Бундан буён Қуддуси Шарифни ҳам зиёрат қиладиган бўлдик

● Ўзбекистон ва Исроил ўртасида ўзаро дўстлик алоқалари ривожланиб бормоқда. Бунинг бир далили — Тошкент — Тель-Авив ҳаво йўли очилди.

Ўзбекистон «Ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси бош раҳбарининг биринчи муовини, олий тоифадаги учувчи Арслон Рўзметов сардорлигидаги экипаж бошқарган «ИЛ-62» ҳаво кемаси расмий равишда куни кеча Тошкентдан парвоз этиб, денгизлар оша Исроилнинг Бен-Гурион тайёрагоҳига бориб қўнди. Тайёрагоҳда иккала мамлакат давлат байроқлари ҳилпираб турганди. Мезбонлар ўзбекистонликларни дўстона кутиб олдилар.

«Эл-Аль» авиакомпаниясининг қароргоҳида бу биринчи халқаро парвознинг бошланганлиги шарафига журналистлар учун учрашув маросими ўтказилди. Унда Исроил авиакомпанияси президенти Рафи Арлев, мамлакат фуқаролар авиацияси бошқармаси бошлиғи Шарон ва Ўзбекистон делегацияси бошлиғи Арслон Рўзметов нутқ сўзлаб, мухбирларнинг саволларига жавоб қайтардилар.

Учрашувда иккала томон вакиллари янги ҳаво йўлининг истиқболига қатта умид билан қараладиганлиги ва у Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш учун ўринли хизмат қилиши ҳақида гапирдилар.

Шундан кейин ўзбекистонлик меҳмон-мутахассислар, олимлар, журналистлар учун ажратилган саёҳат автобуси кекса шаҳарлардан бири — мамлакат пойтахти Ирусалимга йўл олди. Жаҳон ислом оламида бу шаҳарни Қуддуси Шариф деб аташади.

Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг диний фаолиятларида ана шу жойлар билан боғлиқ жиҳатлари ҳам бор. Шунинг учун ҳам бу ерда бир неча масжидлар бунёд этилган. Халифа Умар ислом дини йўлида фидоийлик кўрсатганликлари ҳақида кўп яхши сўҳбатларни ҳам эшитдик. Биз, ўзбекистонлик зиёратчилар улкан Масжидул ал-Ақса масжидини зиёрат этиб, шу ерда ибодат қилдик.

Шу билан Қуддуси шарифдаги уч соатли зиёратимиз ниҳоясига етди ва яна Тель-Авив шаҳридаги Бен-Гурион тайёрагоҳидан парвоз қилган кумуш рангли самолётимизда эсон-омон Тошкентга қайтиб келдик.

Абдулла ПУЛАТОВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбири. Тошкент — Тель-Авив—Тошкент халқаро парвозининг қатнашчиси.

● МУХБИРИМИЗ БОНГ УРАДИ

КИМГА ФОЙДА-Ю КИМГА ЗАРАР?

ҚАМАШИ РАЙОНИДА АҲОЛИГА ПОЧТА-АЛОҚА ХИЗМАТИ КЎРСАТИШ ИЗДАН ЧИҚҚАНЛИГИ ХУСУСИДА

КАРЛ Маркс номли совхоз партия ташкилоти котиби хонасидан республика вилоят ва район газеталарининг яқинда чиққан сонларидан бирортасини ҳам тополмадик.

— Бир ҳафта-ўн кунда почтачи келмаса, газета келтирилмаса нима қилайлик? — деди хижолатда партия ташкилоти котиби Суюн Ҳақназаров. — Масалан, «Ўзбекистон овози» газетасига йилнинг иккинчи ярми учун хўжалик ҳисобидан 50 нусхада обуна уюштирганди. Газетанинг уч-тўртта сонини бир қилиб олиб келишади. Ҳозир почта хизматининг ёмонлиги обуна қабул қилиш мавсумида ишимизнинг белига тепяпти.

— Нега, почтачилар етишмайдими? — сўрадик котибдан.

— Ҳа, почтачи ҳам етишмайди. Совхозимизда 16 минг 800 кишига икки почта ташувчи хизмат қилади, холос. Шунинг учун ҳам уларнинг хизмати ўлдажўлда. Лекин масаланинг бошқа сабаблари ҳам бор...

Биз ана шу «сабаблар» билан қизиқдик. Қамаши район алоқа бўлими фаолиятида шу йил апрель бошида «ўзгариш» содир бўлди. Узоқ йиллар давомида одамларнинг узоғини яқин, муш-кулини осон қилиб келаётган алоқа бўлими иши издан чиқа бошлади. Бўлимнинг молиявий аҳволи мушкуллашиб қолди. Почтанинг асосий даромад манбаи телефон алоқаси ва пенсия ҳамда нафақалар тўлови эди. Бир-бирини тўлдириб келадиган почта ва телефон алоқалари алоҳида-алоҳида фаолият кўрсатишга киришди.

Энг муҳими ўртада «рақобатчи» ҳам пайдо бўлди. Район ижтимоий таъминот бўлими қошида кичик корхона тузилди. «Саховат» деб номланган бу корхона алоқачилари илгари бажариб келган пенсия ва нафақа пулини тарқатишни ўз зиммасига олди.

Балки «Саховат» кичик корхонаси хайрли мақсадларни кўзлаб ташкил этилгандир. Биз бунга монелик билдирмоқчи эмасмиз. Лекин шу ерда ҳақли савол ва мулоҳазалар ҳам туғиляпти. Чунончи ишлаб чиқариш характерига эга бўлмаса, халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқармаса, моддий неъмат яратмаса «Саховат»ни қандай кичик корхона деб аташ мумкин. Қолаверса, аҳолини ижтимоий ҳимоялашга йўналтирилган ана шу кичик корхона фаолият кўрсата-бошлаганлиги сабабли алоқачилар ишсиз қолиши керакми? Буни қандай тушунса бўлади? Ҳозир Қамаши районидаги 109 нафар почта ташувчилардан 56 нафари қисқартирилган. Бу ҳақда алоқачилар ва ижтимоий таъминотчилар раҳбарлари масаланинг ҳамма томонларини тарозига солиб мулоҳаза қилиб кўрдиларми?

Бирники мингга, мингники туманга деганлари шу бўлса керак, хат-хабарлар, почта жўнатмалари, кундалик матбуот нашрлари ўз вақтида эгаларига етказиб берилмаётганлиги аҳолининг жиддий норозилигига сабаб бўляпти. Қашқадарё давлат почта алоқаси ва матбуот тарқатиш ишлаб чиқариш корхонаси (бошлиғи Б. Тўлаев) бир неча бор Қамаши район ҳокими Р. Бозоровга мурожаат қилавериб охири чарчади. У кичик корхона фаолиятини тўхтатиб, пенсия ва нафақаларни тарқатишни алоқа бўлимига қайтариб беришни сўраганди. Аммо унинг барча илтимослари жавобсиз қолиб кетди.

Алоқачилар талабига биноан вилоят ҳокими шаҳар ва район ҳокимликларига шу йилнинг 3 апрелида махсус хат йўллаб Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг топшириғига биноан ўз ҳудудларидаги пенсия ва нафақаларни тўлашни шу пайтгача амал қилиб келинганидек алоқа корхоналари орқали бажаришни таъминлашни сўраганди. Афсуски бундан Қамаши район ҳокимлиги тегишли хулоса чиқармади. Район марказидан 100 километр ва ундан ҳам олисда истиқомат қиладиган аҳоли почта хизматидан маҳрум бўлди. Райондаги 29 та почта бўлимидан 12 таси қисқартириб ташланди. Жумладан, Бердиали, Чимқўрғон, Шакар, Ғиштли, Ёртепа, Ноғаҳон, Араб, Қизилқишлоқ каби йирик аҳоли пунктларида почта алоқа бўлимлари умуман тугатилди. «Марксизм» жамоа хўжалигидаги 9 та қишлоқда, «Фарғона» давлат хўжалигидаги 10 та қишлоқда хизмат учун биттадан почта-алоқа бўлими қолдирилди, холос. Шундай қилиб фуқароларнинг почта хизматига бўлган иши янада қийинлашди.

Қамаши район почта-алоқа бўлими (бошлиғи Эргаш Исломов) район ҳокимлиги ёрдамида аҳолига хизмат кўрсатишни яхшилаш учун қулайликлар яратиши мумкин эди. Бошқа районлар тажрибасини қўллаб, чунончи, Нишон, Баҳористон ва Муборак районларининг қўрғидаги хўжаликлари ўзлари ҳисобидан почта хизматини йўлга қўйганлар. Кундалик хат-хабарлар, газета ва журналлар эгаларига ўз вақтида етказиб турилибди. Бунга ҳавас қилса арзийди. Буни Қамаши районида ҳам қўлласа бўлади-ку. Бироқ ҳар ким «ўз билганидан қолмайди» қабилида иш тутиши аҳолига жуда қимматга тушмоқда. Бу баъзи кишиларга даромад келтирса, кўпчиликнинг маънавиятини қашшоқлаштирмоқда.

Аслини олганда моддий бойлик яратмайдиган кичик корхоналар ҳақида чуқурроқ ўйлаб кўриш вақти келди. «Бозор иқтисодиёти» деб инсон маънавиятини унутиш гуноҳ бўлади, — деган эди Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон республикаси Олий Кенгашининг ўнинчи сессиясида сўзлаган нутқида. — Нуқул пул ва фойда кетидан қувсакда, одамларимиз руҳан қашшоқ бўлиб қолсалар — бундай жамиятнинг ҳеч кимга кераги йўқ». Дарҳақиқат Қамаши район қишлоқларида почта хизмати юзасидан вужудга келган ночор аҳвол кимга фойдаю-кимга зарар келтиради. Балки бундан айрим ижтимоий таъминотчилар, «саховатпешалар» фойдаланаётгандир. Лекин оддий фуқароларчи? Газеталарнинг обуначиларичи? Очиғини айтганда хат-хабарларни, обуна бўлган газета ва журналларни ўз вақтида ололмаётган аҳоли бугун дардини кимга айтсин? Маҳаллий ҳокимият, республика Алоқа ва Ижтимоий таъминот вазирликлари аҳволни ўнглаб олиш учун ижобий қарорга келадилар, деган умиддамиз.

М. КАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

● ТАҲРИРИЯТДАН: Газетамизнинг шу йил 18 август сонида босилган «Кимнинг хизмати афзал» сарлавҳали мақолада Республика Ижтимоий таъминот вазирлиги пенсия ва нафақалар бош бошқармаси бошлиғи А. Акбаров аҳолига пенсия хизмати соҳасидаги айрим фикр-мулоҳазаларни билдирар экан, жумладан, шундай деб қайд этганди: «Алоқа вазирлиги бозор иқтисодиётига ўтиш баҳонасида 1990 йилнинг декабрь ойида биз билан келишмаган ҳолда пенсия ва нафақалар тарқатиш хизмати ҳақини икки баробар, яъни 4,15 фоизгача оширди. Пенсия миқдорлари ошганлиги сабабли алоқа тармоқларига тўланаётган ҳақ 1991 йилда 3,5 баробар ошди. Қилинган ҳисоб-китобларга қарагандa 1992 йилда бу ҳақ 20—22 баробар кўтарилиб кетмоқда».

Тўғри, Алоқа вазирлиги бу ишга яхши кунидан эмас, балки бозор иқтисодиёти шароитидан келиб чиқиб қўл уришга мажбур бўлмоқда. Аммо, масаланинг бошқа томони ҳам борки, вазирлик нафақалар тарқатиш хизмати ҳақини оширишдан олдин бу ишни қайта-қайта ҳисоб-китоб қилиб, яъни етти ўлчаб бир кесиши лозим эди. Нафақа тарқатишдан олинадиган ҳақ давлат ҳисобидан ундирилмоқда. Бу эса шундоқ ҳам маблағ топишга қийналаётган, бор имкониятларидан илож борича унумлироқ фойдаланишга ҳаракат қилаётган давлат ҳиссасига оғир юк бўлиб тушяпти.

Республика Ижтимоий таъминот вазирлиги ана шундан келиб чиқиб жойларда пенсия ва нафақаларни эгаларига етказиб беришни ўз зиммасига олган «Саховат» кичик корхоналарини тузишга мажбур бўлди. Бу корхоналар хизмат ҳақи амалда анча арзонга тушмоқда. Бу — дуруст. Бироқ масаланинг бошқа жиҳати ҳам борки, икки орада бу ишларга сира ҳам алоқаси бўлмаган кишилар orora бўлиб қолмоқдалар: иш ҳажми камайгач, алоқа бўлимлари почтальонлар сонини камайтиришга мажбур бўлди. Жуда кўп қишлоқ ва аҳоли пунктлари шу кунгача ўзларига ҳар қалай хизмат кўрсатаётган почтальонлардан маҳрум бўлдилар. Муштарийларимиз ўзлари обуна бўлган рўзномаларни вақтида ололмай саргардон бўлиб қолдилар.

Сирасини айтганда, пенсия ва нафақа пулларини эгаларига вақтида етказиб бериш Ижтимоий таъминот вазирлиги ташкилотлари хизматининг таркибий қисмидир. Шундай экан, Республика Алоқа вазирлигининг жойлардаги идоралари ўзининг асосий хизмат вазифасини намунали ўташга эътиборни кучайтиришлари талаб қилинади. Биз иккала вазирлик ўзаро келишиб олишларини ҳамда улар ўртасидаги ҳар қандай номувофиқликлар сира ҳам «Ўзбекистон овози» ва бошқа газета ва журналларнинг муштарийлари манфаатига зид бўлмаслигини истаймиз. Агар бугун Алоқа вазирлиги жойлардаги ўз бўлимлари билан ўтказадиган сим орқали мулоқотда мана шу ғоят долзарб масала ҳам чуқур таҳлил этилса ва вазнятдан чиқиш йўллари ахтарилса жуда ҳам маъқул иш бўларди.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ГАЗЕТИНИНГ ЖАРЧИНОМАСИ

РЕСПУБЛИКАДАГИ БАРЧА ДАВЛАТ, ЖАМОА, ХУСУСИЙ ХЎЖАЛИКЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Агар Сизда қурилиш материаллари, қишлоқ хўжалик техникалари, асбоб-ускуналар ва кенг кўламдаги халқ истеъмоли моллари харид қилиш ёки сотиш истаги туғилса «АНДИЖОН» ХОМ-АШЕ МОЛЛАР БИРЖАСИГА мурожаат қилинг!

Биржа сизнинг истагингизни бажонидил қабул қилади ва сизга юксак хизмат маданияти кўрсатади.

«АНДИЖОН» ХОМ-АШЕ МОЛЛАР БИРЖАСИ ҳар ҳафтанинг чоршанба куни (ёпиқ) ва шанба куни (очиқ) — эрталаб соат 10.00 да савдоларини ўтказмоқда. Очиқ савдода Сизлар турли маркадаги автомашиналар, озиқ-овқат маҳсулотлари, кенг кўламдаги халқ истеъмоли моллари, асбоб-ускуналар ҳамда пахта териш этакларини чекланмаган миқдорда, арзон нархда

СОТИБ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН

«АНДИЖОН» БИРЖАСИда воситачилик ўринлари ҳам сотилмоқда. Ҳар бир брокерлик ўрнининг баҳоси — 100 минг сўм.

Ҳурматли ишбилармонлар «АНДИЖОН» ХОМ-АШЕ МОЛЛАР БИРЖАСИ билан ҳамкорлик қилишга шошилинг!

Шунингдек, биржа «Андижонтурист» вилоят бирлашмаси билан ҳамкорликда кўпчилик аҳли мўмин мусулмонларнинг эзгу истакларига биноан Саудия Арабистонидаги муқаддас зиёратгоҳлар — Маккаи-Мукаррама ва Мадинаи-Мунавварага муддати бир ва икки ҳафталик зиёрат уюштирмоқда.

Ҳар икки сафар йўналишларида сиз ўз эзгу ниятингиз «Умра»ни адо этиш шарафига муяссар бўласиз. Бу муборак сафарлар шу йил сентябрь ойининг 14, 21, 28 кунлари бошланади.

Мустақил Ўзбекистон фуқаролари Умра сафарига марҳамат!

Ҳужжатлар республикамизнинг бошқа вилоятларида истиқомат қилувчи фуқаролардан ҳам қабул қилинмоқда.

Саёҳат ишқибозлари булардан ташқари Истанбул, Боғдод, Деҳли, Тел-Авив ва бошқа кўпгина шаҳарларга сафар қилишлари учун йўлланмаларни ҳам сотиб олишлари мумкин.

Улар сафарга чет эл паспорти очиқ виза билан бўлган тақдирда жўнатиладилар.

Мурожаат учун манзилгоҳимиз: Андижон вилояти, Андижон шаҳри, Навоий шоҳ кўчаси, 39-уй, Машраб кўчаси, 19-уй.

Мулоқот учун телефонлар: (8-374-22) 4-52-43, 4-22-56, 6-10-25, 6-43-36, 6-47-21.

Телефакс: (8-374-22) 5-46-51.
Телетайп: 168189 «Марказ».

«АНДИЖОН» ХОМ-АШЕ МОЛЛАР БИРЖАСИ.

БАҲОСИ БОЗОР НАРХЛАРИДАН 2 БАРАВАР АРЗОН!

Ташқи савдо ташкилоти қуйидаги маҳсулотларни сўмлар эвазига улгуржи миқдорларда сотади:
ГФРда ишлаб чиқарилган аъло сифатли уч хил:
ёнғоқли;
сутли;
.аччиқ. шоколад .100 г.

ГФРда ишлаб чиқарилган совға қутичаларидаги шоколадли конфетлар. Данияда ишлаб чиқарилган уч хилдаги аъло сифатли резина сақич. Москва шаҳридаги омбордан зудлик билан таъминланади. Манзилга етказиб берилиши ҳам мумкин.

Чет элда тайерланган озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш юзасидан шартномалар тузилмоқда. Таъминлаш ва шартнома тузиш масалалари бўйича қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин:

Москва, Народное ополчение кўчаси, 21-уй, .Детский мир. дўкони биносидаги .ИНОПТТОРГ. улгуржи савдо дўкони.

Телефонлар: /095/ 197-68-75, 378-11-35.
Факс /095/ 3781135.

ЯРМАРКАГА МАРҲАМАТ!

«ЎЗБЕКБИРЛАШУВ»НИНГ ТОШКЕНТДАГИ «КООПЕРАТОРЛАР УЙИ» БИНОСИДА

1992 ЙИЛ 16—21 СЕНТЯБРЬ КУНЛАРИ 1993 ЙИЛ УЧУН МАДАНИЙ-МАИШИЙ, ХЎЖАЛИК, АТТОРЛИК-ПАРДОЗ МОЛЛАРИ, ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ, ИШЛАТИЛИШИ МУМКИН БЎЛГАН ВА НОКОНДИЦИОН ЧИҚИТЛАР РЕСПУБЛИКА УЛГУРЖИ САВДО ЯРМАРКАСИ ЎТКАЗИЛАДИ

«Ўзбекистон овози» газетасига малакали РАССОМ КЕРАК

Телефонлар: 33-65-45, 33-21-43.

КЕЛГУСИ СОНЛАРДА ЎҚИЙСИЗ:

● ...ВА НИҲОЯТ БИР НЕЧА МАРТА АЙТИЛГАН «ШАКАР ОПЕРАЦИЯСИ» ФЕЛЬЕТОНИНИ ЭРТАГА ЎҚИШГА МУШАРРАФ БЎЛАСИЗ.

● ФОТИМА АБДУЛЛАЕВА: ҲАБИБ АБДУЛЛАЕВ ҲАҚИДА ХОТИРАЛАР

● ЭРКИН ВОҲИДОВ ИЖОДХОНАСИДА

● ТЕЛЕВИЗОРЛАР БУХОРОДА ИНГИЛАДИ

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Ўзбекистон Республикаси автомобиль йўллари вазирлиги коллегияси ва жамоаси Ўзбекистон Республикаси автотранспорт ва йўл хўжаликлари марказий касаба қўмитаси раиси А. Ф. Собировга отаси

Мирфозил СОБИРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Яккасарой район ошхоналар трести 7-ошхона раҳбари

Шаҳзод Рашидович САИД-ЖАЛИЕВнинг

бевақт вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги раҳбарияти, ҳайъати ва жамоаси Қодиря ГЭСлари шалоласи директори М. О. Ҳидоятовга ва Вазирлик Марказий диспетчерлик хизматининг бошлиғи А. О. Ҳидоятовга оналари

Хадича ая ҲИДОЯТОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.

Тошкент Давлат Университети ректорати Фалсафа факультети Фалсафа тарихи ва мантиқ кафедраси мудири, доцент С. Йўлдошевга онаси

Замира ЙЎЛДОШЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ирригация ва қўналамзорлаштириш объектларини сақлаш ва ремонт қилиш бўйича Сирғали район 7-махсус бошқармаси маъмурияти, касаба союз жамоаси шу ташкилотнинг Бош муҳандиси

Тўлқин Хўжаевич ЕҚУБОВнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент Давлат иқтисодиёт университети ректорати, «Савдода тижорат» кафедраси жамоаси ҳамда Умумий иқтисод мутахассислиги сиртқи куллиётининг деканати шу куллиётнинг декан ўринбосари доцент М. А. Юсуповга онаси

Мубораи АБДУВАЛИ қизининг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент шаҳар умумий овқатланиш давлат концерни Яккасарой район ошхоналар трестига қарашли 7-ошхона раҳбари

Шаҳзод Рашидович САИД-ЖАЛИЕВнинг

бевақт вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор этади.

Бош муҳаррир Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ.

● Бизнинг манзилгоҳимиз: 700000, ТОШКЕНТ — ГСП ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.
● Мурожаат учун телефонлар: Қабулхона — 32-55-15.
Ахборот-тижорат хизмати 32-54-14.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концернининг босмахонаси.
Газета офсет усулида А—2 форматида босилади ● Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди—20.45.
Г—340. № 179. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.